



НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Полванов Улугбек Тагаймуратович

Тошкент давлат юридик университети

мустақил тадқиқотчиси

E-mail: pulugbek86@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17197192>

Аннотация:

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояга ва давлат хизматларидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш масалалари кўриб чиқилади. Амалдаги қонунчилик асослари, халқаро ҳуқуқ нормалари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши таҳлил қилиниб, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар аниқланади. Мақолада маҳаллий бошқарув органлари, ижтимоий хизматлар, транспорт инфратузилмаси ва рақамли технологияларнинг ушбу тоифадаги фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни ўрганилади. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва чора-тадбирлар таклиф этилади.

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган шахслар, ижтимоий ҳимоя, давлат хизматлари, ҳуқуқий ҳимоя, инклюзия, маҳалла, транспорт инфратузилмаси, рақамли технологиялар.

Демократик жамиятларда энг асосий қадриятлардан бири – инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдир. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, уларни жамиятнинг барча аъзолари каби тенг ҳуқуқли деб эътироф этиш ва зарур ҳуқуқий кафолатлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган изчил ижтимоий-ҳуқуқий ислохотлар доирасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, давлат хизматларидан тенг ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, шунингдек, уларнинг жамият ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётига тўлақонли интеграциялашувини рағбатлантиришга қаратилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция каби халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқлилигини ва уларнинг давлат ҳимоясига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигида ҳам ногиронлиги бўлган



шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг устуворлиги белгилаб қўйилган.

Дунёдаги аҳолининг 10 фоизга яқинини ташкил этувчи 650 миллион киши ногирондир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, бу кўрсаткич аҳоли сонининг ўсиши, тиббиёт фани ютуқлари ва аҳолининг қариши жараёни туфайли ортиб бормоқда. Кутилаётган умр давомийлиги 70 ёшдан ошган мамлакатларда ўртача 8 йил, яъни умумий умр давомийлигининг 11,5 фоизи ногиронлик билан боғлиқ йилларга тўғри келади¹.

Қонун устуворлиги ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий механизмларни шакллантириш ҳар қандай демократик жамиятда биринчи галдаги вазифадир. Қонунлар нафақат мавжуд бўлиши, балки уларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш механизми ва мониторинг тизими ҳам самарали ишлаши лозим. Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича БМТ конвенцияси талабларини миллий қонунчиликка интеграция қилиш — асосий ҳуқуқий меъёрлардан биридир.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда тўлақонли ва фаол иштирок этишида мулоқот қилиш имкониятлари муҳим ўрин тутди. Ахборотни қабул қилиш, уни қайта ишлаш ва бошқаларга етказиш – бу шахсларнинг таълим олиш, меҳнат фаолиятига жалб этилиш, ижтимоий муносабатлар ўрнатиш ва ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Мулоқотнинг турли усуллари – Брайл алифбоси, тактил ишоралар, йирик шрифт, мультимедиа воситалари, босма материаллар, аудиофайллар, сухандонлар ва ахборот-коммуникация технологиялари – ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу воситалар орқали улар нафақат таълим олиши, балки ахборотдан фойдаланиши, ахборот тарқатиши ва жамиятнинг тўлақонли аъзосига айланиши мумкин.

Шу жиҳатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига “муомала” ҳамда “оқилона мослаштириш” тушунчаларини киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Муомала – бу ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқалар билан ахборот алмашишини таъминловчи турли шаклдаги воситалар мажмуидир. Бундай воситаларга Брайл алифбоси, тактил мулоқот усуллари, йирик шрифтдаги матнлар, мультимедиа материаллар, босма нашрлар, аудиовоситалар, махсус сухандонлар ва ахборот-коммуникация технологиялари киради. Бу воситалар ногиронларнинг ахборотга етишини кафолатлаш баробарида, уларни ижтимоий изоляциядан чиқариш ва жамият ҳаётида фаол иштирок эттириш воситаси сифатида хизмат қилади.

¹ Фактологический бюллетень по вопросам инвалидов // URL: https://www.un.org/ru/rights/disabilities/background_7.shtml



Оқилона мослаштириш эса ногиронлиги бўлган шахслар учун уларнинг шахсий эҳтиёжларига мос равишда жамиятда тўлиқ иштирок этиши, тенг имкониятлардан фойдаланиши ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган шароитларни яратиш жараёнини англатади. Бунга таълим муассасаларини мослаштириш, иш жойларини эркин фойдаланиш имконини бериш, жамоат жойларини ногиронларга қулай ҳолга келтириш, транспорт ва коммуникация воситаларини қайта ташкил қилиш каби чоралар киради.

Шу тариқа, Қонуннинг 3-моддасига юқоридаги атамаларни аниқ таъриф билан киритиш нафақат ҳуқуқий тушунчалар аниқлигини таъминлайди, балки қонун ижросида аниқ меъёрлар ва амалий механизмлар шаклланишига хизмат қилади. Бу эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳуқуқий аниқлик ва амалий таъсирни оширишга олиб келади.

Қонунчиликда “муомала” ва “оқилона мослаштириш” тушунчаларининг мавжуд эмаслиги амалдаги сиёсат ва чоратadbирларнинг кўп ҳолларда формал тусда қолишига олиб келади. Мазкур тушунчалар қонунга киритилиши орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари учун аниқ йўналтирувчи қоидалар вужудга келади. Бу эса ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

YUNISEF маълумотларига кўра, кўча болаларининг 30 фоизи ногирондир. Беш ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси умуман 20 фоиздан ошмайдиган мамлакатларда ногирон болалар орасидаги ўлим даражаси 60 фоизгача етиши мумкин. Бу маълумотлар Бирлашган Қиролликнинг Халқаро тараққиёт департаменти томонидан келтирилган².

Бизнингча, ногиронлиги бўлган болалар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ривожлантиришнинг кейинги босқичи БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида назарда тутилган биопсихосоциал моделни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бу ногиронликни фақат тиббий нуқсон эмас, балки жамиятдаги тўсиқлар билан боғлиқ ҳолат сифатида қарашни англатади. Шу боис, давлат харажатлари фақат нафақа ва парваришга эмас, балки ногиронларнинг жамиятга тўлақонли интеграцияси, яъни инфратузилмани мослаштириш, мустақил ҳаёт кечириш шароитларини яратиш каби амалий чораларга йўналтирилиши лозим.

БМТнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг аҳволи бўйича тақдим этган сўнгги таҳлилий ҳисоботига кўра, рўйхатда турган ногиронлиги бўлган шахсларнинг бор-йўғи 7 фоизи расман меҳнат бозорида фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, айрим мустақил манбалар бу кўрсаткични

² https://www.un.org/ru/rights/disabilities/background_7.shtml



янада паст — атиги 2 фоиз даражасида баҳоламоқда. Бу эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат бозоридаги иштироки жуда чекланганлигини кўрсатади ва ушбу муаммога тизимли ёндашув талаб этилишини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра: ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож, барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс – ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланади.

Қонунчиликдаги кафолатларга қарамай, амалиётда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий хизматлардан фойдаланиши, мониторингнинг етарли эмаслиги ва инфратузилма даражасининг пастлиги билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолмоқда. Бу эса комплекс чора-тадбирлар орқали ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва хизматлар сифатини ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2025 йил сентябрь ҳолатига кўра, мамлакатда ногиронлиги бўлган шахслар сони 1 061 300 нафарни ташкил этади³. Гендер таркиби бўйича 45,26 фоизини (480 366 нафар) аёллар, 54,74 фоизини (580 934 нафар) эркеклар ташкил этади. Жами ногиронлиги бўлган шахсларнинг 174 571 нафарини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади.

2020 йилдан кейинги статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, ногиронлиги бўлган шахслар сони 29 фоизга (2020 йилдаги 758,3 минг нафардан 2025 йилда 1061,1 минг нафарга) ошганини кузатиш мумкин⁴.

Ушбу тенденция, шубҳасиз, ногиронлиги бўлган шахслар сонининг йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолат беради ва нафақат уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, балки уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш зарурлигини таъкидлайди.

Шу боисдан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат хизматларидан тенг ва қулай фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат ноτιжорат ташкилотлари ҳамда волонтерлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш муҳим ҳисобланади.

Бу ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

³ <https://ihma.uz/statistic> Национальным агентством социальной защиты при Президенте Республики Узбекистан

⁴ <https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/50245-2024-yil> Республика Узбекистан Национальный комитет по статистике



- давлат хизматларига киришдаги тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш;
- тажриба алмашиш орқали хизматлар сифатини ошириш;
- интернет орқали электрон хизматларни ногиронлар учун қулайлаштириш;
- ногирон шахсларнинг ҳаётидаги аниқ муаммоларни индивидуал ёндашув асосида ҳал қилиш ҳамда ҳуқуқий ҳимояга оид муурожаатларнинг статистикаси ва таҳлилини амалга ошириш.

Бу каби комплекс чора-тадбирлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини ҳимоя қилишга хизмат қилади ҳамда ижтимоий хизматлар тизимининг самарадорлигини сезиларли даражада оширади.